Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ҳокимлиги

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ САМАРҚАНД ШАҲРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА БЕРИЛДИ

Самарқандда □ □□□□□□ ниҳоллари□ □□ спорт мусобақасининг вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур спорт мусобақаларининг бу галги қуйи босқичлари ҳам вилоятда уюшқоқлик билан ўтказилди. 2017-2018 йиллар давомида вилоятдаги 1200 та умумтаълим мактабининг 474 минг нафардан ортиқ ўқувчилари беллашувларда ўз маҳоратини намоён этди.

Мусобақанинг туман, шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 3500 нафардан кўпроқ ўқувчилар, жумладан, 1200 нафар қизлар жорий йилнинг март ойида вилоят босқичида 21 спорт тури бўйича ўз иқтидори ва ғалабага интилишини кўрсатди. Қизғин курашларга бой беллашувлар якунига кўра, Самарқанд шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Ургут тумани, учинчи ўрин Булунғур тумани жамоаларига насиб этди.

Тантанали маросимда мусобақа ғолиби Самарқанд шаҳри жамоасига Президент совғаси автомашинаси топширилди. Ургут ва булунғурлик спортчи-ўқувчилар ҳам ниҳоллари кубоги, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда самарқандлик спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, таниқли санъаткорлар ва истеъдодли ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.